



МУАММОЛАР ЮРАКДА ЕЧИЛАДИ Тингловчилар билан учрашув таассуроти

Менга учрашувга борган давраларнинг чакмақдай кийиниб ўтиришлари ёқди. Мен нафақат уларнинг, барча давраларда барча миллатдошларимнинг ана шундай ярашқили кийиниб ўтиришлари, юришларини жуда хохлайман.

Менга яна уларнинг ўзларига ишончи, овозлариди қатъият маъқул келди. Ўтирган ўрни, босган ерида маҳкамроқ ўрнашган одамларнинг овозлари шунақа гулдираб чиқади, синиб, синикмайди. Мен ҳам миллатдошларимнинг товушларига шунақа гулдираб қўшилишни қатъий истайман. Менга, айниқса, уларнинг бахтлаблғи ўтириши.

Бахс — бу тафаккурнинг овоз бўлаётганлигининг белгиси.

Мен битта одам гапириб, бошқалар бошини лиқиллатиб ё гунг, гунгалак ж... и... — им тинглайверадиган давралар одобида унча ишонмайман. Уш шукатларда бир ёлгон кўраман.

Биз борган давраларда барча саволларга учрашувимизни бошқариб бораётган олимимиз гоёт босиқлик билан теран, мулоҳазали жавоблар қилди.

Иккинчи жавобга зарурат йўқдай. Аммо йўл бўйича, ҳозир ҳам «Нега бунақа дедимиз, нега?» дея ич-ичимда бир овоз кўксимни муштлаётти.

Гапирмасам бўлмайди, шекилли.

ИККИНЧИ ЖАВОБ
Сиз шундай савол қўйдингиз:

— Ибрат ҳақида гапирасизлар. Ибрат, богча, мактабдан бошланади. Аммо баъзи тарбиячи, муаллимлар маоши қаноатлантирмаганидан бозорга чиқиб кетаяпти. Муаллимларнинг баъзилари эғни боши мундайроқ бўлганидан ҳижолат чекиб, дарсга ҳам бормаяпти. Баъзилари: болага вазифа топириб қўйиб, ўзи коридорда ҳамқасби билан лақиллашиб туради. Каровсиз қолган ўқувчилар бозорга чиқиб сақич сотишяпти. Ё қўлга латта, челақ ушлаб, машина юрибди. Бу масалани ҳеч ўйлайсизларми?

Жуда кўп ва ҳўп ўйланаётганини балки биларсиз, балки билмасиз. Аммо мен ҳозир масаланинг бошқа тарафини гапирмоқчиман. Сизнинг ўзингиз ўртага ташлаган саволдан ўзингиз четда

турганингиз менга ёқмасиз эканини айтмоқчиман. Турлиш-турмушнингиздан сезилиб турибди.

Иномаркангиз бор! (Буюрсин!)

Кунда бўлмаса ҳам кунора оғайниларингиз билан ресторон, кафеларда овқатланасиз, дам оласиз. (Ош бўлсин!)

Овқат ёнида, албатта, «халигиси»дан ҳам бўлади... (Бунисини энди ош бўлсин, дея олмайман).

Даста-даста пулларни ташлаб чиқасиз.

Айтми-чи, бирон марта ўша латта, челақ кўтариб машиналар ёнида чолиб юрган қорақўз болакайга «Манави пулни олда, бориб китобингни ўқи, иккинчи мана шу юришингни кўрмай!» дедингизми?

Демаган бўлсангиз керак.

Ҳолбуки, болаларига жони ачишган, уларни ўқишмиш кўрмоқчи бўлганлар шундай қилишади.

Устозлар ҳақида...

Улар ҳам «Шулар менинг болаларим, менинг миллатимнинг болалари» деса, меҳнатини қақа билан ўлчамайди. Болаларнинг кўзидидаги нур билан, юрагидидаги кўр билан ўлчайди. Керак бўлса, яқтакчан келиб дарс ўтади, керак бўлса, ялангоҳ келади. Миллатини деган муаллим туфлиснинг арзонлигидан эмас, болаларнинг қалби қашшоқ бўлишидан ор қилади.

Ҳақиқий муаллимнинг номуи катта бўлади. Ва шундай маърифатчилар бизда жуда кўп.

Мактабга «жа-ха» деб турган сармоядорлар ҳам оз эмас. Ана, дарров савол берган захотингиз бири ўрнидан туриб (Сурхондарёнинг Сариосиё туманидан экан, аддамасам, исмиларим Зокиржон) ўз фирмаси маблаг ҳисобига мактабни таъмирлаб берганини айтди, отасига балли!

Унинг шу қорақўзлар учун қилган ҳаржи Тангридан юз бор кўпайиб қайтиши шубҳасиз.

Ўртага яна шундай савол тушди.

— Эркаклар бош бўлса, аёллар бўйин. Бўйин қаерга бурилса, бош ўша ёққа қарайди. Кўпнинг кўз ўнгига овозимизни кўтарасан ҳам уйда «сизники маъқул» деймиз. Яна аёллар учун нима қилайлик?

— Хурматингизга қўлқул, иним. Аммо баъзи бошлар шу қадар оғирлашиб кетгани, бўйинлар умуман бурилади олмай қолган. Ибботим бўлмаса, гапирмасдим. Уйингизда ҳаммаси жойида

экан, яхши. Аммо кўчадаги, бозордагилар-чи? Улар ҳам сизнинг жон-жигарларингиз эмасми?

Тўғри, ҳар уйнинг отаси ота, оғаси оға, иниси ини, фарзанди фарзанд ўрнида турса, кўчада, бозорда муаммо қолмайди.

Аммо ҳамма ўз ўрнида эмас-да.

Шундай чоғда сиздай тушунганлар ўриндошлик қилиши керак эмасми?

Айтайлик, бир давра бўлиб турасизлар, бир сулувгина, ниҳолгина қизни отаси тенги одам машинасига ўтказаяпти. Қизнинг майли ҳам бор дейлик. Аммо бирортангиз «Қани, туш бу ёққа, нима қиласан?» деймайсиз.

Ҳолбуки, миллати шаънини ўз шаъни деб билгүвчилар шундай қиладди. Сиз эса нари борса, бош чайқайсиз.

Нари борса, ғийбат қиласиз.

Ой оралаб тахририятимизга қўлида ё изида боласи билан келинчақлар изиллаб келишади.

Нега?

Эри ажрашибди (ё ўзи). Эри уйини қайнотаси, қайинукиси (хотаси, аммаси)га расмийлаштирибди, булар бошпанасиз, ё ота-онаникида сизини эмиш, мол-мулк пулга қақилгач, пулнинг ҳам аллақачасини еб кетганмиш...

Бунақа можаро билан бошимни қотирманг, дерсиз.

Сиз тугул ўша келинчақларнинг тақдирини хал қилаётган баъзи ҳуқуқ идоралари ходимлари ҳам айтиди бу гапларни.

Даврада яна шундай савол айтилди.

— Сиз умумий мақсад учун бир миллат одамлари бир-бирига кечиримли бўлиши керак, дедингиз. Унда менинг «мен»лигим емирилмайди? «Мен»имдан айрилсам, мақсад йўлидаги курашга ярайманми?

— Кечирасиз, аёл киши учун ўта айтиш қийин мисол бўлса-да, битта эшитганимни айтмай...

Ўз Ватанига муҳим маълумотларни етказиш учун ёвлари ичида юрган аёллар ўша маълумотларни олиш мумкин бўлган эътиборли қимсалар билан бирга ашар эканлар. Албатта, мен бундай тақдирни бировага раво кўрмайман, бундай тақдирнинг юзини терс қилсин.

Аммо Ватан, миллат манафаати учун одамлар нимага қодир эканини айтмоқчиман, ҳолос. Агар умумий мақсад йўлидаги кураш учун керак бўлса, фидойий инсонлар унча хуш-

майдиган одамнинг олдида эмақлаб бориши мумкин, этагини ўпиши ҳам мумкин. Ва мен буни пастлик деб эмас, баландлик деб ҳисоблайман. Аксинча, миллатга манфаат келтирадиган йўлда ўз «мен»и деб бўлиниб кетган, бўлиб юрганлар кибрини бир қаҳага арзитмайман.

Ҳуқуқ идорасида ишлайдиганларнинг кўпчилигида «Нексия».

— Уларнинг пулни қаердан олаётгани ҳақида сиз ҳам, мен ҳам, бошқалар ҳам унча-мунча тасаввурга эгамиз. Аммо ҳозир мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Сизнинг саволингизда ўша пулни келтириб чиқарувчи омиларга қаршилик йўқ. Қуйнақлик бор.

Опажон-ей, Америка омадингиз, бу гапларингизнинг бари бор гаплар. Биламиз, эшитганимиз, дейишингиз мумкин.

Ха, биласиз. Таълим борасидаги ислохотларни ҳам, муаллимларимиздан чиқаётган қаҳрамонларимизни ҳам биласиз.

Президентимизнинг «Аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик!» деган даъватлари ва унинг ақо-садолари ҳам сизга маълум.

«Экстремизм, террорчилик» деган авваллари олис-олисларда юрган сўзларнинг қадам шарпалари эшитилиб турганда, «Бирлашган ўзар, бирлашмаган...» мақоли баландроқ янграётганидан ҳам хабардорсиз...

Божхона, солиқ, ҳуқуқ идораларидаги ўзгаришлар ҳам сизга аён.

Аммо ҳаммасини кўриб-билиб туриб ҳам мен сизга ҳар қандай муаммолар ечими ўз юрагимизга келиб ҳал бўлишини яна бир қарар айтиб қўймоқчи бўлдим.

Сизнинг савол берганингиз ёмон кўрдим эмас, саволларингиз жон устига!

Фақат ўша оғриқларнинг бир парчаси бўлишини хоҳлардим, оғриб турган жойига оғриқингизни, қулиб турган жойига сунониҳингизни истардим.

Ахир, миллат бир бутун дарахт, унинг шохи титранса, бошқалари ҳам силкинади-ку! Бир новдасида гул очилса, бошқаси ҳеч йўқ, қуртаклайди-ку...

Менинг истогим, қаттиқ интилим — Ана шу Дарахтлик, ҳолос.

Қўлибика РАҲИМБОВА



Бугунги ўзбек аёллари. Суратда: Гўлчехра НАЗАРОВА, Гўлчехра ҲАМИДОВА, Гўлчехра САБДУЛЛАЕВА.

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАРБИЯ

● Миллат ва Ватан ● жон ва тан ● Бозор ва фидойилик ● Сингапур сабоги ● Фидойилик уруғлари ва Ватан баҳори

Педагогика — инсонни, миллатни, инсониятни тарбиялаш илми. Шўрлар унинг чегарасини «болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақидаги илм» сифатида суъий тайорлашди. Педагогиканинг бир вақили сифатида ватандошлар билан фидойилик ҳақида суҳбат қилиш, фидойиликнинг табиатини, ҳозирги ижтимоий аҳамиятини илмий-оммабоп таърифта очиб бермоққа журъат қилди. Чунки Ўзбекистон халқининг оммавий фидойилигига фақат умуммиллий тарбия ва уни мақсади ташкил қилиш орқалигина эришиш мумкин ва керак. Ана шунда

кечиб, берилиб ишлаш, жонбозлиқни аналатади. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли, 11 том. М. «Рус тили» нашриёти, 1981, 299 бет). Маълум бўладики, қаддон дўст ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз ихтиёри билан қон топираётган дўст, ўйқусидан кечиб бешик тебратётган она; қўқувни енгил, диний ақидапарастлар ва уларнинг гўмашталарини фож қилишда жасорат кўрсатган ватандош; давлат, миллат ҳақида ҳиёнатни қўрса, «орамизни бузиб нима қиламан» деймай унга рўй-рост, қўли, сўзи фикри билан қарши турувчи ҳар бир ўзбекистонлики бугунги куннинг фидойилари сафига қўшиш мумкин.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ ИКЛИМИДА:

Бир олимга беш савол:

1. Сиз буюк бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур» деган фикрларини қандай талқин қиласиз?

2. Миллий тараққиёт гўзал миллий фазилатларимизни тиклаш, тақомиллаштириш билан бирга айрим (ўзгир шизини сингдирган) сифатлардан озоод бўлишимизни ҳам тақозо қиларми?

3. Миллий гоани ёшлар, жамият онига қандай қилиб самарали сингдириш мумкин?

4. Ҳозирги ёшларимиздаги қайси фазилатлар Сизни қувонтирмакда?

5. Миллий мафкураи мустаҳкам йигит-қизини қандай тасаввур қиласиз?

Жаҳон халқларининг миллий тарихларига назар ташлар эканмиз, ҳар бир миллатда ватандошлар фидойилигининг борилиги, қўлиги миллат тараққиётини юксалтирганини кўрамиз. Бунга мисол қўлиб: Конфуцийнинг миллий бирлиқни сақлаш йўлидаги фидойилиги туфайли миннатдор хитой халқи уни 2300 йилдан буён «буюк муаллим» дея эъзозлаб келмоқда; Муҳаммад пайғамбар

(САВ) ўз ҳўзурхаловатларидан кечиб, жолларини ҳавф остига қўйиб жол қабилаларни ҳидоят йўлига бошладилар. Соҳибқирон Амир Теҳурнинг фидойиликлари миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ каби ширларнинг амалида намён бўлди; Алишер Навоий «турк элини яқалам қилишди» ўз мувовақ умрларини фидо қилдилар; Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ҳоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Нақшбандий, Яссавий, ҳадид боболаримизни миллат эъзозига ишвараф қилган сабаб — уларнинг турли соҳалардаги беғараз фидойиликлари, ўзидан кечишлари эди.

Давоми иккинчи бетда

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ҲАР ГАЛ ЎЗ МАЪРУЗАЛАРИДА ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, БИЗ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ЭРКИН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРМОҚДАМИЗ. ЎТИШ ДАВРИ ЖАРАЁНИДА МОДДИЙ КИЙИМЧИЛИКЛАР ВА ЕТИШМОВЧИЛИКЛАР БЎЛИШИ ТАБИИЙ БЎЛИБ ҚОЛДИ. ЭНГ МУҲИМИ, БИЗНИНГ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТИМИЗДА ҲАР БИР ШАҲС ҲАР ФУҚАРОНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН ТОМОНИДАН ҲИ-

МОДДИЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛАЯПТИ?... ёхуд Жарқўрғон туманидаги ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қардорликлари ҳўсусида

моёланган. Шу жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазасига муҳтож аҳоли қатламлари ҳам инсонпарвар ҳўкуматимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида десақ, асло янглишмаган бўламиз. Аммо...

Минг афсуски, давлатимиз томонидан кам таъминланган оилаларга ажратилаётган беғараз ёрдам пуллари айрим мутаасаддиларнинг айби билан нотўғри тақсимланмоқда. Ёқ кўп ҳолларда ўз эгасининг қўлига етиб бормаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 434-сонли қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг ижроси юзасидан прокуратура билан мутахассислар ҳамкорлигида текширув ўтказилганда қуйидагилар маълум бўлди:

Туман молия бўлимида «Фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан ариза ва шикоятларни қайд қилиш китоби текширилганда 1998 йил 25 феврал кўни (Ой-кўни қўрсатилган) ноҳақликка учраган бир гуруҳ фуқаролар томонидан «Янгиобод» маҳалла раиси Валикул Ҳимматовнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан норозилик аризалари (1-сон билан) қайд қилиниб, ўша кўннинг ўзи-

Давоми иккинчи бетда

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

АҚШ ва Россия терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ва Россияда яқинда амалга оширилган террористик ҳаракатларни текшириш тўғрисида шартнома тузишди. Яқин вақт ичида терроризм билан курашиш учун Россия томонига бу «фаолият юзасидан кўмаклашувчи» Федерал тергов бюроси экспертилари гуруҳи Москвага ўчиб боришади. Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувда бу ҳақда Россия Федерал хавфсизлик хизмати директорининг ўринбосари Виктор Иванов маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Федерал тергов бюроси вакиллари Россия пойтахтига жўнатиш қарори — «АҚШ ҳўкуматининг Москвада юз берган воқеалардан кескин таъсирланишидандир».

ЗИДДИЯТЛАР ЎЧОФИ БЎЛМАСИН

Грузия президенти Эдуард Шеварддзе ва Стратегик тадқиқотлар ҳамда халқаро муносабатлар марказининг маслаҳатчиси, Жон Хопкинс институтининг профессори Эбигнев Бжезинский ўртасида ўтказилган учрашувда Кавказдаги вазият, Грузия ва АҚШ муносабатлари ҳамда халқаро сиёсатнинг бошқа масалалари муҳокама этилди. Бжезинскийнинг таъкидлашича, «АҚШ Шимолий Кавказ катта зиддиятлар ўчоғига айланмаслигидан манфаатдор». «Терроризмни оқлаб бўлмайди, ўз тақдирини ўзи белгилаш билан халқаро терроризм орасида осмон билан ерча фарқ бор», деди у.

ЭНГ БОЙ МАМЛАКАТ

Аҳоли жон бошига ўртача

йиллик даромад бўйича Швейцария жаҳондаги энг бой мамлакат бўлиб қолмоқда. Йилига аҳоли жон бошига бу ерда 40 минг АҚШ долларида даромад тўғри келяпти. Иккинчи ўринда Норвегия турса, Дания учинчи ўринни ишғол қилади.

лар даромад оладиганлар сони 2 миллиардга етади.

УЯЛИ АЛОҚА БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Буюк Британиянинг энг йирик телефон компанияси «Бритиш Телеком» ва Қўшма Штатлардаги уяли телефон алоқаси бўйича етакчи корпорация бўлган «Эй Ти энд Ти» уяли телефон алоқаси соҳасида стратегик битимини имзолашлари тўғрисида маълум қилдилар. Блумберг агентлигининг маълумотларига қараганда, улар биргаликда 17 та мамлакатдаги 40 миллион абонентга хизмат кўрсатади. Экспертларнинг фикрича, «Бритиш Телеком» ва «Эй Ти энд Ти» ўртасидаги битим 23 миллион абонентга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган Буюк Британиянинг «Vodafone» корпорацияси ҳамда уяли телефон

алоқаси бўйича Американинг «Air Touch Communications» компаниялари қўшилишининг таъсири туфайли тузилди.

ЎЗ ТАСДИҒИНИ ТОПДИ

НАТО қўмондонлиги Косоводаги зиддият пайтида Югославияга қарши ҳаво ҳўжумининг самарадорлиги ҳўсусидаги маърузани эълон қилди. Маърузада айтилишича, НАТОнинг дастлабки мўлжаллари тўғрисидаги Югославияга берилган ҳаво зарбаларининг аниқлиги тасдиқлаб турибди. НАТО қўлчлари қўмондони Уэсли Кларкиннинг сўзига қараганда, текширишлардан аён бўлдики, сафдан чиқарилган танклар, зирхли машина ва артиллерия қурилмаларининг сони НАТО мутахассислари ҳарбий ҳаракатлар тўғрисида билан қилган ҳисоб-китобларга айнан мос келади. «Туркистон-пресс»



Қари билганни пари билмас

